O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB... INV.№

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2005** йил, **18** ноябрь, жума № **77** (2121).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **18** ноября, **2005** год, № **77** (2121).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғууримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

**Ислом КАРИМОВ**

В 2005 – 2006 учебном году в частях и подразделениях Министерства обороны Республики Узбекистан боевая учеба будет проходить под девизом: **«БЫТЬ ОТВЕТСТВЕННЫМ И КОМПЕТЕНТНЫМ, НАДЕЖНЫМ ЗАЩИТНИКОМ РОДИНЫ – ДОЛГ КАЖДОГО ВОЕННОСЛУЖАЩЕГО!»**



**Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.**

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## ТОМИРЛАРИ МУСТАҲКАМ ЧИНОР

Миллий давлатчилигимиз анъаналари узоқ-узоққа бориб тақалади. Аёнки, Афросиёб номи билан машҳур бўлган буюк аждодимиз Алп Эр Тўнга йигирма етти аср муқаддам буюк ҳоқон сифатида Турон заминини бирлаштирган. Шунинг ўзиёқ миллий давлатчилигимиз тарихи икки минг еттиз юз йилдан зиёд эканлигидан далолат. Шундан ҳам хулоса чиқариб олиш мумкинки, миллий давлатчиликда бой анъаналарга эгамиз.

«Темур тузуклари»да Соҳибқирон бобомиз ўзи яратган улкан давлат асосларини ўн иккита ижтимоий тоифа билан белгилаб беради. Улар: 1) саййидлар, уламо, машойих, фозил кишилар; 2) ишбилармон, донишманд одамлар; 3) художўй, таркидунё қилган кишилар; 4) нўёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар; 5) сипоҳ ва раият; 6) махсус ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиблар; 8) ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳандислар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳли ҳунар ва санъатчилар; 11) сўфийлар; 12) савдогар ва сайёҳлар.

**(Давоми 4-бетда).**

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



## ЎЗБЕКЧА АЙТГАНДА, «КЎРАМИЗ!»

Даниэл билан Германияда яқиндан танишдик. Бунга қадар у ҳақда унинг ўзбек ўртоғидан эшитгандим. Дам олиш кунларининг бирида Даниэл бизни меҳмонга таклиф қилди. У Германиянинг жанубий қисмида, Франция билан чегарадош Заарбрюкен шаҳрида яшайди. Бонндан Заарбрюкенгача бўлган 600 км йўлни 3 соатда босиб ўтиб Даниэлникига етиб бордик. У бизни илиқ ва самимият билан қўлини кўксига қўйиб, «Ассалому алайкум», дея кутиб олди. Бу мен учун кутилмаган саломлашув эди, шошиб қолдим, чунки тилим “Hallo” дейишга тайёр эди-да. Уй ичига киргач, ўзимни бир муддат Ўзбекистондагидек ҳис қилдим. Тасаввур қилинг, қуроқ қилиб тикилган ўзбекона кўрпачаларда ўтириб олгансиз, мезбон сизга кўк чой дамланган пахта гулли чойнакдан пиёлага чой қуйиб, «олинг, олинг», қилаяпти. Лекин ўзимни Германияда эканлигим ва ўзбекона лутф қилиб турган мезбон немислиги эсимга тушди-ю, унга бўлган ҳурматим ва қизиқишим янада ортди. У билан суҳбатлашишга киришдим.

**(Давоми 4-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ – ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 ноябрь куни расмий ташриф билан Россия Федерациясига келди.

Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида яккама-якка учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди. Президентлар ҳамкорлик кўлами муттасил кенгайиб, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошиб бораётганини, ушбу ташриф ўзаро алоқалар тарихидаги муҳим воқеа бўлишини таъкидладилар.

Владимир Путин Ислом Каримовни Россияга ташрифи билан қутлар экан, ўзаро муносабатлар фаол ривожланаётганини қайд этди. Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз Россия билан ҳар томонлама равнақ топиб бораётган икки томонлама ҳамкорликни қадрлашини таъкидлади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия алоҳида ўрин тутади. Тошкент ва Москванинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқин, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қараш ва интилишлари муштарак. Ўзбекистон ва Россия барча соҳаларда ўзаро алоқалар кўламини кенгайтиришдан манфаатдор. Ана шу манфаатдорлик, шунингдек, ҳамкорликдаги ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, икки давлат раҳбарларининг ўзаро самимий муносабати, кўпгина масалаларда фикрдошлиги 2004 йили Тошкентда Ўзбекистон билан Россия ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланишига асос бўлган эди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида қарор топган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, ишга солинмаётган имкониятларни кўриб чиқиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп қиррали, ҳамкорлик барча йўналишларда ривожланиб бормоқда. Ўтган йили Президентлар етти марта учрашган эдилар. Россиядан Ўзбекистонга турли мақомдаги 32 делегация ташриф буюрди. Бу галги Москва музокараси эса сўнгги ярим йилдаги бешинчи икки томонлама учрашувдир.

Жумладан, мамлакатимизга Россия мудофаа вазири Сергей Иванов, ташқи ишлар вазири Сергей Лавров ташриф буюрди. Жиззах вилоятидаги «Фориш» полигонида Ўзбекистон ва Россия қуролли кучларининг қўшма тактик аксилтеррор машқлари ўтказилди, Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг мажлиси бўлди.

**(Давоми 2-бетда).**

Военная присяга

## НА ВЕРНОСТЬ НАРОДУ И ПРЕЗИДЕНТУ

В жизни молодых воинов, начавших армейскую службу в части, где командиром подполковник Алишер Мухтарамов, состоялось важное и ответственное событие. Еще вчерашние беззаботные юноши, а сегодня уже являющиеся военнослужащими срочной военной службы, приняли Военную присягу.

Воскресным утром все взгляды гостей, среди которых родители, друзья, убеленные сединами аксакалы – участники войны 1941–1945 годов, представители общественных организаций, органов власти, да и просто местные мальчишки, объективы фото- и видеокамер республиканских средств массовой информации были устремлены на парадный строй виновников торжества.

Четко и уверенно чеканя шаг, каждый из них выходил из строя, чтобы торжественно произнести слова священной клятвы. Они клялись быть верными сынами Родины, быть стойкими и храбрыми, верными народу и Президенту, свято беречь Отечество.

В напутствиях и теплых поздравлениях дорогих гостей, заместителя министра обороны по воспитательной работе полковника Маннобжона Ахмедова, командования части, виновники торжества почерпнули много поучительного.

**(Окончание на 7-й стр.).**

Подписка – 2006

## ПОБЕДИТЕЛИ ВЫБИРАЮТ «ВАТАНПАРВАР»!

Победители соревнования, личный состав лучшей части в Сухопутных войсках под командованием офицера С.Шарипова, подали еще один добрый пример при оформлении подписки на «Ватанпарвар» на следующий год.

– Обновленный вариант нашего родного издания пришелся всем по душе, – говорит заместитель командира части по воспитательной работе подполковник Алишер Кличев. – Ведь теперь в нем найдут для себя много полезной информации не только сами воины, но и супруги военнослужащих, молодежь и даже дети. А публикации о славной истории наших великих предков помогают вырабатывать у всего личного состава тот победный дух, который очень пригодился нам в достижении нынешнего успеха. Считаем, что в нашем успехе есть заслуга и газеты «Ватанпарвар», верность которой мы выразили, выписав ее и на будущий год.

Победители сделали свой выбор, а ты, читатель?

**Майор А. АЙНАТДИНОВ.**

**(Условия подписки читайте на 9-й странице).**

## ЮРТ БАЙРОҒИ

Элнинг эрку ғуруриин,
Рамзи, бахт чароғи бу.
Озод юрт байроғи бу,
Обод юрт байроғи бу.

Юксакларда ҳилпираб –
Порлаб турар ҳамиша.
Буюк ғалабаларга,
Чорлаб турар ҳамиша.

Эзгулик маёғи бу,
Озод юрт байроғи бу.

**Дилшод РАЖАБ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

2005 йил 15 ноябрь №42 Тошкент ш.

**Қишки уст-бош кийимини кийишга ўтиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Гарнизон ва Қоровуллик хизмати Низомининг 17-иловаси талабларига биноан, –

**БУЮРАМАН:**

1. Барча шахсий таркибдаги офицерлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар 2005 йил 21 ноябрдан бошлаб қишки уст-бош кийим кийишларига рухсат этилсин.

2. Мазкур буйруқ Тошкент гарнизонидаги барча ҳарбий қисм, ҳарбий ўқув билим юрти ва муассасаларига етказилсин.

**ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИ**
**полковник А.КОМИЛОВ**

Муштарийларимизга

## ЮРАКЛАРГА ТЎЛҚИН СОЛИБ ҲИЛПИРАЙВЕР!

Давлат байроғи, Ватан байроғи... Бу рамз қадим-қадим давлатчилигимиз билан тарихан боғлиқлигимизни англатади. Бу рамз ўзида миллатимизнинг, халқимизнинг орзу-умидлари, қадриятлари, шонли анъаналарини жамлаган. Бу рамз истиқлолимизнинг, озод ва ҳурлигимизнинг, куч-қудратимизнинг тимсолидир. Шунинг учун ҳам у ҳилпираганда юраклар тўлқинланади, қалблар чексиз фахру ифтихорга, ғурурга тўлади.

Байроғимиз ҳам миллий давлатчилигимиз каби узоқ-узоқ тарихларга бориб туташади. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи устувор аҳамият касб этган. Ҳарбий юришларда, жангу жадалларда байроқ қўшинни олға бошлаган. Лашкарнинг маънавий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлаган. Шайх Нажмиддин Кубро давлат байроғини баланд кўтариб, мўғул босқинчиларга қарши жангга киради. Ҳатто у шаҳид кетганида ҳам панжалари орасидан байроқни олишолмаган, демакки Ватанга бўлган садоқатини енга олишмаган. Ҳа, байроқда миллат, халқнинг ўзи, ўзлиги бор. Ор-номуси, фахр-ифтихори, ғурури бор. Бундан роппа-роса 14 йил муқаддам, яъни 1991 йилнинг 18 ноябрида Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари ўтказилган еттинчи сессиясида миллий рамзларимиздан бири бўлган давлатимиз байроғи тасдиқланди.

Нуфузли халқаро ташкилотлар биноси олдида тенглар ичра тенглигимизни англатиб, ҳилпираб тургани чексиз фахр эмасми?! Турли спорт мусобақаларида ғолиб ҳамюртларимиз шарафига баланд кўтарилганда қалбларимиз ҳаяжонга тўлиши ғуруримиз эмасми?! Бугун шуни баралла айта оламизки, давлатимиз байроғи халқимизнинг чексиз ифтихори, фахру ғурурига айланди. Байроғимизнинг ҳар бир ранги, рамзида миллатимизнинг қалби акс этади, гўё. Масалан, оқ рангда поклик, халқимизнинг орзу ва умидларидаги, буюк келажакка интилишидаги беғуборлик акс этган.

Ватаним байроғини баланд кўтар, юртдошим! Токи дунёга айтар сўзинг борлигини, ҳеч кимдан кам эмаслигингни, кам бўлмаслигингни билишсин. Ватанинг байроғини юрагингга қада, юртдошим! Токи у эзгу орзу-ниятларингдан куч олиб, мағрур ҳилпирасин.

**ТАҲРИРИЯТ**

К нашим читателям

## РАЗВЕВАЙСЯ, ВОЛНУЯ СЕРДЦА!

Государственный флаг, флаг Родины... Этот символ свидетельствует о многолетней истории нашей государственности. В этом символе отражены надежды и чаяния, ценности и национально-культурные традиции нашего народа. Это символ нашей независимости, свободы и суверенитета, силы и мощи нации. Поэтому, когда он развевается на ветру, это зрелище волнует сердца, наполняет их бесконечной гордостью и восторгом.

Наш флаг, как и государственность нации, имеет большую и славную историю. Вот и во времена нашего великого предка Сахибкирана Амира Темура государственному флагу придавалось большое значение. Флаг вел за собой войска во времена битв и военных походов, укрепляя духовно-нравственные и морально-волевые качества воинов. С высоко поднятым государственным флагом вступил в бой против монгольских захватчиков шейх Нажмиддин Кубро. Даже когда он погиб во имя Отчизны, пальцы героя продолжали сжимать драгоценное полотнище, а значит, враг не сломил его верности Родине. Да, во флаге содержится сама суть народа и нации, честь и гордость народа. 18 ноября 1991 года, то есть ровно 14 лет тому назад, на внеочередной, седьмой сессии Верховного Совета нашей страны был утвержден один из национальных символов – Государственный флаг Республики Узбекистан.

Разве не является предметом гордости каждого из нас развевающийся перед зданиями авторитетных международных организаций наш флаг, говоря о том, что мы тоже равные себе равным?! И когда он поднимается ввысь в честь побед наших соотечественников на различных спортивных состязаниях, разве не переполняет нас восторг?! Сегодня можно с полной уверенностью утверждать, что Государственный флаг нашей страны стал предметом гордости и восхищения для всего народа Узбекистана.

Соотечественник, держи флаг Родины высоко поднятым! Пусть знают все, что у тебя есть, что сказать миру, что ты никому ни в чем не уступал да и не будешь уступать. Носи флаг Родины в сердце своем, соотечественник!

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**




2 МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ – ПОБЕДИТЕЛИ СОРЕВНОВАНИЯ
ЖАНУБИЙ САРҲАДЛАРИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ



3 ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИДАН РУҲЛАНИБ
АСКАРГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ



5 АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА
ВАТАН ОНА ҚАЛБИДАН БОШЛАНАДИ



6 РОВЕСНИК
ПРЕСТИЖНО УЧИТЬСЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

# ЎЗБЕКЧА АЙТГАНДА, «КЎРАМИЗ!»

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Даниэл Митчэн 32 ёшда. У ҳозирда Заарбрюкен университетининг физика ва мехатроника факультетида докторлик илмий изланишини олиб боряпти. Аммо асосий вақти Фраунҳоф биомедицина инженерияси институти лабораториясида ўтади.

– Мен асосан физика соҳаси билан шуғулланаман, шунингдек, биологик тўқималарни ўрганаман. Болалигимда ҳеч ўйламагандим, физик бўламан, деб, чунки спортчи бўлишни орзу қилардим. Ҳатто учувчи бўлишни истаганман, кейин тарихчи бўламан, дедим. Лекин ҳозир физикман ва бу соҳага жуда қизиқаман. Одатда, иш кунимни лабораторияда ўтказаман. Аммо баъзан ҳамма илмий ишларни бир четга суриб қўйиб, бошқа ишлар билан шуғулланишга ҳам вақт топа оламан. Кўп нарсаларга қизиқаман, масалан, мусиқага, айниқса, Ўрта Осиё мусиқаси билан шуғулланаман, хорижий тилларни ўрганаман.

– Қизиқ, шу пайтгача нечта тилни ўргандингиз?

– Мана шу саволни ёмон кўраманда, негадир. Чунки аниқ бир сонни айтишни ўзим ҳам билмайман. Умуман олганда, айтишим мумкинки, кўплаб Европа давлатлари тилларини тушунаман ва 4 та хорижий тилда – инглиз, француз, рус ва корейс тилларида эркин мулоқот қила оламан. Менда битта принцип бор, бирор давлатга боришимдан олдин ўша давлат маданияти, тарихини, энг муҳими, тилининг асосий негизини ўрганишга ҳаракат қиламан. Ўша давлатга боргач, у ердаги одамлар билан доимий мулоқотда бўлиб, ўша тилни мустаҳкамлашга ҳаракат қиламан. Масалан, Францияда ўз соҳам бўйича илмий иш қилганман. Албатта, бунда тил муҳим роль ўйнаган. Кейин Франциядан Кореяга жўнаб кетганман, ҳаммаси режам асосида бўлган. Кореядаги бир йилдан ортиқ вақт давомида илмий ишим устида ишлаш билан бирга корейс тилини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилганман.

– Ўзбек тилини қандай ўргангансиз? Гапларингизга қараганда, демак, Ўзбекистонда ҳам бўлгансиз?

– Ўзбек тилини ўрганишга қизиқишимнинг пайдо бўлишига Ўрта Осиё мусиқий санъати билан шуғулланадиган дўстларим сабабчи бўлган. Улар мана бир неча йилдирки, ўзбек ҳамда тожик куй-қўшиқларини ўрганишади. Мен Шарқ классик мусиқасига қизиққанлигим сабабли улар билан боғландим ва, табиийки, ўзбек мусиқий санъатини ўрганиш билан бирга тилини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдим. Бизнинг гуруҳимиз «Чилтон» деб номланади. Гуруҳимиз таркибида 40 га яқин одам иштирок этади. Мусиқий гуруҳимизнинг бошқалардан фарқи шуки, унда нафақат профессионал мутахассислар, балки Ўрта Осиё халқлари мусиқасига қизиқувчи ҳаваскор ижрочилар ҳам бор. Жумладан, Шарқ мусиқаси шайдоси бўлганлигим учун мен ҳам улар қаторидаман. Доира чала оламан, асосан гуруҳимизда қўшиқчи-ижрочи сифатида иштирок этаман. Корея, Япония, Африка ва Араб мамлакатларига борганимда барабан чалгандим, унинг оҳанглари ҳам доираникига ўхшаб кетади.

Мен Ўзбекистонда 2 марта бўлганман. Биринчи марта 2003 йилда «Шарқ тароналари» мусиқий фестивалига борганман. Унда Германия номидан гуруҳимиз билан иштирок этгандик. Лекин немисча қўшиқ эмас, балки ўзбек ва тожик фольклоридан ижро этганмиз ва муносиб баҳоланганмиз. Ўзбекистонга бўлган қизиқишим шундан бошланган. Иккинчи марта ўтган йили, яъни 2004 йил октябрь ва сентябрь ойлари мобайнида Самарқанд шаҳрида бўлдим ва у ерда махсус ўзбек тилини ўрганиш курсида ўқидим. Ҳозирда кўп ўзбекистонлик дўстларим бор ва улар билан доимий алоқа қилиб тураман. Мана бу «кўрпача»ни Ўзбекистонга охирги марта борганимда бир дўстимнинг онаси тикиб берган, буюртмамга кўра, менга ўзбекча кўрпача ёқиб қолганди-да. Бу ўзбекча чойнак ва пиёлаларни ҳам Германияда ўқиб кетган бир оғайним совға қилганди.

–Яна қандай ўзбекча қўшиқлар биласиз?

– Эрта билан тураман наҳору нашта – ё, наҳору нашта,

Эрта билан тураман наҳору нашта – ё, наҳору нашта.

– Ўзбекистондан қандай таассуротлар билан қайтгансиз?

– Менга ўзбек мусиқаси жуда ёқади. Тарвузларини есам, мазза қиламан. Энг асосийси, очиқ чеҳрали одамлари ёқади, улар хорижликларга ўзгача ҳурмат ва қизиқиш билан қарайдилар. Германияда эса аксинча, аксарият одамлар хорижликларни унчалик хушлашмайди. Яна ўзбек бозоридаги ширин-шакар мевалар ёқади.

– Агар Сизда имконият бўлганда, Ўзбекистонда кўрган қайси яхши томонларни олиб Германия учун тадбиқ қилган бўлардингиз? Ва аксинча немисларнинг қайси жиҳатларидан ўзбеклар ўрнак олиши керак?

– Агар менда шундай имконият бўлганда эди, биринчи навбатда ўзбекларнинг меҳмондўстлигини немисларга жорий қилган бўлардим. Немислар ҳам меҳмондўст, ўзимнинг миллатимни танқид қилмоқчи эмасман. Бизда меҳмон аниқ бир вақтга таклиф этилади, олдиндан ҳаммаси келишилади, хуллас, ҳаммаси келишилгандек бўлиши керак. Кейин биз, немислар билан дўстлашиш учун узоқ вақтлар керак бўлади, бошқалар билан бирданига яқин бўлиб кетолмаймиз, масофа бўлади. Ўзбеклар эса жуда очиқ, самимий. Меҳмон келиб қолса, «Ассалому алайкум! Хуш келибсиз!» дейишади ва меҳмонга жудаям эътиборли бўлишади. Бизда эса бошқача. Жуда қизиқарли бўларди, ўзбекларнинг бу яхши одатини қабул қилсак.

– Даниэл, мен ўзимни Ўзбекистондагидек ҳис қилаётганим учун сизга раҳмат айтмоқчиман. Одатларимизни ўзлаштириб олибсиз-у! Бунчалик бўлишини кутмагандим. Хўш, яна бир-биримиздан нималарни ўргансак бўлади?

– Яна алоҳида айтишим мумкин, мусиқага муносабат ҳақида немислар одатда дискотекадан бошқа жойда рақсга тушишмайди. Ҳатто тўй бўлса ҳам ўз-ўзидан қўшиқ айтиб ё рақсга тушишмайди, санъатини намойиш қилишмайди. Лекин бу дегани мусиқага бефарқ дегани эмас. Кўпчилик мактабда ўрганади, кечки пайтлар махсус жойларга бориб, шуғулланишади. Лекин оила давраси ёки бошқа давраларда ижро қилишмайди. Фақат расмий доирада, концерт ва бошқа томошаларда ижро этиши мумкин. Сизларда эса умуман бошқача, агар кимдир доира чалса, ҳамма бирданига рақсга тушиб кетади. Бу ҳолатни, айниқса, тўйларда кузатиш мумкин. Бизда эса мусиқа бу даражада жонли эмас. Ўзбекларнинг мусиқага мойиллиги менга жуда ёқади.

Немисларга келсак, биз режалаштиришни жуда яхши кўрамиз, ҳар бир кунимизни, ҳамма нарсани режалаштирамиз. Пунктуаллик ҳар бир немиснинг қонига сингиб кетган.

– Хўш, агар сир бўлмаса, яқин келажак учун нималарни режалаштираяпсиз?

– Келажакда мени нималар кутяпти билмайман, лекин режаларим кўп. Биз, немислар режлаштиришни яхши кўрамиз, дедим-ку, бироқ баъзан ҳаммаси ҳам режадагидек бўлавермайди. Масалан, мана шу йил докторлик илмий ишимни ёқлаганимдан кейин узоқ саёҳатга чиқмоқчи эдим. Лекин илмий





ишимни ёзиш жараёни бироз чўзилди. Шундай бўлса-да, бу режамни амалга оширишга ҳаракат қиламан. Саёҳатим Германиядан Япониягача давом этади, бу тахминан ярим йилни ўз ичига олади. Нима учун муддат узоқроқ давом этади, чунки саёҳатим фақат ерда бўлиши керак, лекин самолётда эмас.

– Пиёда йўлга чиқмоқчимисиз?

– Йўқ, албатта. Поездда, керак бўлганда, автобусда, мен Японияда бўлганман, бошқа жуда кўп мамлакатларда ҳам.

– Шу пайтгача нечта мамлакатга саёҳат қилгансиз?

– Аниқ билмайман, тахминан, 30 дан ортиқ. Асосан Европа ва Осиё мамлакатларига борганман.

Яна бошқа режаларим ҳақида гапирадиган бўлсам, ўз соҳам бўйича олиб бораётган илмий ишимни кучайтирмоқчиман. Ҳозирда ҳужайра ва тўқималарни ўрганаяпман. Мени мия фаолияти жуда қизиқтиради. Масалан, биз, одамлар мусиқани ҳис қиламиз, ҳайвонлар ҳам одатда мусиқани эшитишади.

Яна бир орзуим бор, саёҳатларим ҳақида бир асар ёзмоқчиман. Ҳозирча менда режалар кўп, ҳали билмайман, уларни қай даражада амалга ошира оламан. Ўзбекчасига айтганда, «кўрамиз!»

– Энди ваъда қилинган қўшиқлардан айтиб берасизми?

Даниэл ўзбекча қўшиқлар ёзилган нота дафтарини олиб чиқди.

– Бажонидил.

Доира дум-дума, баҳору мавсума,
Келса баҳор ғунчалар қилар табассума.
Юрак дук-дук уради, ёр олдига боргани,
Сизнинг учун бораман мен, дардга даво олгани.
Доира дум-дума, баҳору мавсума,
Келса баҳор ғунчалар қилар табассума.

– Раҳмат! Вой, ошимиз ҳам пишиб қолибди-ку!

– Мен яна кўк чой дамлайман...

**Бинафша ҚАЛАНДАРОВА**
**суҳбатлашди.**
**Заарбрюкен, Германия.**


## ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!




## ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

**Народ и армия нашей страны связаны между собой неразрывно. Успехи народа Узбекистана, мир и спокойствие в стране невозможны без самодостаточных, мобильных, профессионально подготовленных Вооруженных Сил – гаранта суверенитета и территориальной целостности страны. Высокая боевая готовность частей и подразделений, моральный дух солдат, сержантов и офицеров, уровень их технического оснащения напрямую зависят от успехов тружеников городов и кишлаков. С нашими вооруженными защитниками, верными сынами узбекского народа, Отчизна чувствует себя под постоянной защитой. Именно поэтому День защитников Родины стал в нашей стране всенародным праздником. Накануне 14-й годовщины образования Вооруженных Сил Министерство обороны Республики Узбекистан, Союз писателей Узбекистана, Общественное движение молодежи «Камолот», Республиканский центр «Маънавият ва маърифат», Узтелерадиокомпания и Центральный совет Организации содействия обороне Узбекистана «Ватанпарвар» объявляют республиканский конкурс:**

## «БЕРЕЖЕМ СВЯТЫНЮ – РОДИНУ!»

Цель конкурса – привлечь лучшие творческие силы страны к патриотическому воспитанию молодежи, в его ходе показать единство армии и народа, рассказать о достижениях в общественно-патриотической работе в самых отдаленных уголках Узбекистана, в школах и лицеях, колледжах и высших учебных заведениях, воспеть высокие моральные качества наших юношей, готовящих себя к службе в Вооруженных Силах или уже проходящих воинскую службу.

Творческие работы конкурсантов должны раскрывать высокий патриотический дух нашей молодежи, показывать яркие образцы преданности идеалам национальной независимости, продемонстрировать качественные изменения в обществе и армии в результате проводимых реформ.

К участию в конкурсе допускаются произведения, вышедшие в свет с 1 января по 20 декабря 2005 года по следующим номинациям:

– публицистика (газетная или журнальная статья, фотографии, теле-, радиопередача, теле-, радиоочерк, цикл, авторская программа);

– видеоклип, музыкальное произведение (музыка и текст песни, в том числе авторская, и исполнительское мастерство);

– произведение изобразительного искусства (картина, плакат, скульптура, фреска, панно).

Победители и призеры в каждой номинации будут награждены денежными премиями:

1-е место – 200 000 сумов;
2-е место (два) – 75 000 сумов;
3-е место (три) – 50 000 сумов.

Для авторов, чьи произведения вызовут наибольший читательский и зрительский интерес, предусмотрены Гран-при конкурса – цветной телевизор (домашний кинотеатр) и Специальный приз – персональный компьютер.

Конкурсные работы принимаются в Пресс-секретариате Министерства обороны Республики Узбекистан по адресу: город Ташкент, улица Мирабадская, 21 (Информационно-издательский комплекс «Ватанпарвар»).

Контактный телефон: (8 3712) 56 07 80.

**Организационный комитет конкурса**


# ТОМИРЛАРИ МУСТАҲКАМ ЧИНОР

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Демак, давлат ана шу тоифадаги инсонларга суянгани учун гуркираб, яшнади. Тузукларда бундайин ижтимоий тоифалар хусусида сўз юритилар экан, вазирлар борасида алоҳида тўхталиб ўтилган. «Вазирлар – салтанат устунларидир. Улар мамлакат ободончилигини, раиятнинг тинчлигини, сипоҳларнинг бирлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймайдилар. Салтанатга зарарли нарсаларни қайтаришда молу жонини аямайдилар», дейилади жумладан унда.

Эътибор берган бўлсангиз, давлат асосларини белгилаб берувчи тоифаларнинг тўртинчиси ҳарбийлар ҳисобланган. Шу ўринда тузуклардаги маълумотлар асосида амирлар ҳақида ҳам қисқача тўхталсак. Маълумки, амирлар асосан ҳарбий кишилар бўлишган. Амир Темурга тобе бўлган қирқ уруғдан ўн иккитаси ичидан амирлар сайлаб олинган экан. Улар: барлос, арғин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдус, тўғой; қипчоқ, арлот, тотор ва тархон уруғларидир. Амирлик рутбаси Соҳибқирон бобомиз фаолиятининг дастлабки йилларида 313 кишига берилади. Булардан юзтаси – ўнбоши, юзтаси – юзбоши, юзтаси мингбоши, тўрттаси – бекларбеги, биттаси амир ул-умаро (бош амир) бўлган. «Қолган саккиз мансаб, фикримча, сарой хизматида бўлган мансабдорлардан баъзи бирларига берилган бўлиши керак», деб ёзади Бўривой Аҳмедов.

Тарихни кўздан кечирар экансиз, ҳар бир халқ, элатга ҳам ўзининг давлатини тузишдек буюк иш насиб этмаган. Ўтмишда қанча-қанча миллатлар ўз давлатини тузолмай бошқа халқлар давлати таркибига қўшилиб кетгани ҳақиқат-ку. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, биз ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Албатта, бу ўринда, миллий давлатчиликни яратиш, унинг анъаналарини давом эттиришда халқнинг салоҳияти, қудрати, иродасини таъкидламоқ лозим.

Истиқлолга эришиб қурган давлатимиз ҳам миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда шаклланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Аввало Бош Қомусимизда давлатимизнинг мазмун-моҳияти аниқ-равшан акс эттирилган. Масалан, Конституциянинг иккинчи моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деб ёзиб қўйилган. Ёки бўлмаса, ўн тўртинчи моддада «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» дейилган. Буларни алоҳида таъкидлаётганимизнинг сабаби давлатимизнинг асосий таянчи халқимизнинг ўзи эканлигини айтиш. Бу борада Бош Қомусимиздан, бошқа қонунларимиздан ҳам кўплаб мисоллар келтириб ўтиш мумкин.

Энди ўзимизча Амир Темур қурган салтанат билан, аниқроғи, унинг давлатчилик асослари билан бир муқояса қилиб кўрайлик. Биз қурган давлат асосан халқимизнинг ўзига таянишини айтиб ўтдик. Буни ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Соҳибқирон давлатининг асосларини белгилаб берувчи тоифаларни кўздан кечирган бўлсангиз, унда оддий халққа ҳам катта эътибор берилганлигига амин бўласиз. Аҳли ҳунар ва санъатчиларни оласизми, савдогар ва сайёҳларни оласизми, табибларни оласизми, хуллас, уларнинг давлат учун асосий суянч ва таянчлар сирасидан бўлганини ҳис қиласиз.

Гап давлатнинг таянчига келиб тақалган экан, бир мисолга юзлансак. Ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов қўшинни давлатнинг таянчларидан бири сифатида эътироф этади. «...Ўзбекларнинг қўшини аввало мунтазам аскарлар ва халқ лашкарларидан иборат бўлган. Мунтазам аскарлар давлат ва Ватан ҳимоясида доимо шай туриб, давлат хазинасидан белгиланган миқдорда ҳарбий унвонлари, даражалари, мартабаларига яраша ойлик олиб, бутун умрларини шу касбга бағишлаганлар», деб ёзади жумладан у тарихга мурожаат этган ҳолда.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, аждодларимиз қўшини жуда бой жанговар анъаналарга, ҳарбий санъатга эга бўлганини биламиз. Масалан, қурол турлари, қўшин турлари, мудофаа иншоотлари ва воситалари, ҳарбий мусиқа ва чолғулари, ҳарбий даража ва унвонлар, атамалар, хуллас, соҳага оид кўплаб анъаналарни кузатиш мумкин. Буларнинг бари йиллар давомида янада шаклланиб келган. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, қўшинимиз олис ўтмишда ва ўрта асрларда Осиё қитъаси миқёсида энг қудратли саналиб келинган. Дунёга довруғи кетган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Алптегин, Бобур каби юзлаб буюк саркардалар шуҳратининг ўзиёқ фикримизни исботлайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, қўшинга давлатнинг асосий таянчларидан бири сифатида эътибор қаратилгани унинг шаклланувини таъмин этган ва ўз навбатида у давлатнинг гуркираб яшнашига хизмат қилган.

Миллий армиямиз шаклланиши тарихига назар ташласангиз, унинг давлат ва жамият қурилишининг ғоятда муҳим, узвий бир қисми бўлиб келаётганини англаймиз. Давлат ва жамият қурилишидаги ислоҳотларнинг диққат марказида доимо Қуролли Кучларимиз бўлиб келган. Бу айни пайтда ҳам миллий давлатчилигимизда армияга халқнинг, давлатнинг асосий таянчи сифатидаги муносабат давом этиб келаётганининг ёрқин исботидир. Қолаверса, бу хусусда гап кетганда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эсга олиш жоиз: «Халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри ва ифтихори бўлмиш миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур».

Пировардида ёзувчи А.Иброҳимовнинг бир гапини келтириб ўтмоқчиман: «Давлат мисоли бир улкан чинор бўлса, унинг таянчлари қиёс этилаётган ўша чинорнинг она тупроққа чуқур илдиз отган теран томирларидир». Демак, томирлари мустаҳкам бўлса, давлат янада гуркираб, яшнайверади.

**Майор Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Кеча Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Халқаро терроризм ва диний экстремизм – тинчлик ва тараққиёт душмани» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Олий ҳарбий билим юртлари профессор ўқитувчилари, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Тошкент Ислом университети масъул ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда «Марказий Осиёда ҳарбий-сиёсий ҳолат», «Халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг келиб чиқиши», «Терроризм Исломга зид», «Хотин-қизларни диний экстремизм ва терроризм таъсиридан ҳимоя қилишнинг долзарб вазифалари», «Халифалик нима? Унинг салбий оқибатлари» сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур илмий-амалий анжуманда халқаро терроризмнинг вужудга келиши ва унга қарши курашнинг асосий услублари ҳақида кенг маълумотлар берилди.

Шунингдек, ҳар бир чиқишдан сўнг тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоблар олишди, ўз фикрларини билдиришди.

Баҳс-мунозараларга бой тадбирнинг ҳар бир иштирокчиси айни кун талаби – ҳушёрлик ва огоҳлик эканлигига яна бир бор амин бўлди. Зеро, терроризм ва диний экстремизм балоси доим янги хуружларини амалга оширишга, ёвуз ниятига эришишга шай ва тайёр эканлигини бир зум бўлса-да ёддан чиқармаслик ҳар биримизнинг бурчимиз, вазифамиздир. Бу билан биз тинч ва осойишта ҳаёт, порлоқ келажак учун замин, мустаҳкам пойдевор яратган бўламиз. Қолаверса, террорчиларнинг жирканч ишларидан халқимиз азият чекканлигини инобатга олсак, йўл қўйилган хатоларни қайтармаслик, уларнинг олдини олиш борасидаги умумхалқ, умуммиллат ишига ҳар биримиз огоҳлигимиз ҳамда унга даъват этишимиз билан ўз ҳиссамизни қўшишимиз аниқ.

**Катта лейтенант**
**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

**(Газетамизнинг кейинги сонида ушбу илмий-амалий анжуман ҳақида батафсил маълумот берамиз.)**

# ЯНГИ АЛИФБОНИ ЎРГАНАМИЗ
## 16-МАШҒУЛОТ
## АЖРАТИБ ЁЗИШ

Қўшма феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади: sarf qil, ta'sir et, tamom bo'l, sotib ol, olib kel, olib chiq, miq etma каби.

Кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феъл мустақил феъллардан ажратиб ёзилади: aytib ber, olib ko'r, so'rab qo'y, ko'ra qo'l, bera boshla, yiqila yozdi, ketgan edi, ketgan ekan, ketgan emish каби. Лекин мустақил феъл билан ёрдамчи феъл орасида товуш ўзгариши бўлса, бундай қисмлар қўшиб ёзилади: aytaver (ayta ber), boroladi (bora oladi), bilarkan (bilar ekan) каби.

Кўмакчилар ажратиб ёзилади: Shu bilan, soat sayin, borgan sari, bu qadar, kun bo'yi каби. Лекин bilan кўмакчисининг – la шакли, uchun кўмакчисининг – chun шакли чизиқча билан ёзилади: sen-la, sen-chun каби.

Сифат олдидан келиб, белгининг ортиқ ёки камлигини билдирадиган to'q, jiqqa, tim, liq, lang, och каби сўзлар ажратиб ёзилади: to'q qizil, jiqqa ho'l, tim qora, liq to'la, lang ochiq, och sariq каби.

**Топшириқни текширинг**

1. Bu kitobni o'qib ko'r-chi, senga yoqadimi? 2. Ertaga-chi biz guruhimiz bilan adabiyot muzeyiga boradigan bo'ldik. 3. Mana bu g'azalni o'qib ko'rgin-a! 4. Futbol o'yiniga borasizmi? 5. Yaxshi o'qish hammamizning burchimiz-ku.

**Топшириқни лотин алифбосига ўгиринг**

1. Ўрта осиёлик олимлар жаҳон маданияти ва фанига муносиб ҳисса қўшганлар.

2. Муҳаммад Юсуф халқни эъзозлаган, халқни севган инсон эди.

3. Амир Темур ҳаётда шижоатли, довюрак одам эди.

4. Тинчлик учун, халқимизнинг бахт-саодати учун ғайрат билан ишлаймиз.

5. Пойтахтимиз Тошкент Ўрта Осиёдаги энг гўзал шаҳар, энг йирик савдо ва саноат маркази ҳисобланади.

**Ильмира ҚУВОНДИҚОВА,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети умумий тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси.**

Кўнгилга ташриф

# «ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАНГ»



Шиддат билан ривожланиб бораётган замонамизни биз телевидениесиз тасаввур этишимиз қийин. Чунки кундалик янгиликлар, дунёда рўй бераётган воқеа-ю, ҳодисалардан биринчи бўлиб телевидение орқали хабар топамиз. Ҳар куни эрталаб туриб телевизорга қараймиз, кеч тушиб ишдан чарчаб келиб уй юмушларини бажарамиз-да сўнг яна унга юзланамиз. Бугун оламда нима гап? Айни соатларда ер юзининг нариги бурчагида қандай ўзгаришлар бўлмоқда? Ўзини замонавий инсон ҳисоблаганлар албатта бундан хабардор бўлишлари шарт-да, шундай эмасми? Шу йўсинда каттаю кичикка янгиликларни етказишда бошловчиларнинг ҳам ҳиссаси улкан. Тўғри-да, биз биринчи бўлиб улардан турфа янгиликлар ҳақида эшитамиз, айнан улар ёрдамида ўз тафаккур доирамизни кенгайтирамиз. Биз бежизга бу ҳақда гап бошламадик. Чунки бугунги суҳбатдошимиз «Ёшлар» телеканалининг «Мунаввар тонг» дастури бош муҳаррири, «Давр» информацион дастури мафтункор телебошловчиси, «Домла», «Келинсалом» видеофильмлари орқали сизга яхши таниш Гули ИКРОМОВА бўлади.

**– Гули, сизни ҳамкасбларингиз зиёли, кўп нарсадан хабардор дея ҳурмат билан таърифлашди. Бу даражага етишишингизда сиз туғилиб ўсган оиланинг аҳамияти қай даражада?**

– Мен ўзимни жуда бахтли, омадли ҳисоблайман, чунки мен зиёлилар оиласида туғилиб, вояга етганман. Онам Дилбар опа инглиз тили ўқитувчиси, отам Носир Отабоев эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр. Ота-онам тарбиямга, етарли билим олишимга ниҳоятда жиддий қарашганлиги туфайли, бугунги кунда мана шу обрў-эътиборга сазовор бўляпман. Улар менинг тўғри йўл танлаб, келажакда ўзим истаган касб эгаси бўлиб етишишим учун мустаҳкам пойдевор қурганлар. Умуман инсоннинг мукаммалликка эришишида ота-онанинг роли жуда муҳим. Шу ўринда мактабдаги, Санъат институтидаги устозларимнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтгим келади.

**– Сизга суянч бўла оладиган, ҳар хил вазиятда ҳам ёнингизда тура оладиган дўстларингиз борми?**

– Албатта, ҳар биримизнинг сирлашадиган дўстларимиз бўлади, шу жумладан менинг ҳам яқин дўстларим, ҳамкорларим бор. «Ассалом Ўзбекистон» дастури бошловчиси Мунисхон Тошматова, «Чинсен» кўрсатуви муаллифи Рита Паклар менинг энг яқин дўстларим. Уларга ҳар қандай шароитда ҳам суянишим мумкин, уларга ўзимга ишонгандек ишонаман. Дўстлик деган муқаддас туйғуни жудаям қадрлайман ва қадрига етаман.

**– Болалик йилларингизни соғинасизми?**

– Ким ҳам соғинмайди у йилларни, албатта соғинаман.

**– Эркаклардаги қайси жиҳатларни фазилат деб ҳисоблайсиз?**

– Биринчи навбатда интеллектуал даражаси юқори, маънавияти юксак эркакларни ҳурмат қиламан. Аёлларни қадрлайдиган, улар билан яхши муносабатда бўладиган, сахий эркаклар ҳам доим эътиборга лойиқдир.

Эркак киши ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини тута билиши, биз улар тимсолида ҳақиқий ҳимоячиларимизни кўришимиз керак.

**– Кўпчилик мухлислар сизни дастлаб «Ассалом Ўзбекистон» тонги дам олиш дастури орқали яхши билишган, ижодингиздаги кескин бурилиш, яъни «Давр»га ўтиб кетишингизнинг сабаби нима?**

– Умуман мен ижодимни Халқаро телеканалда бошлаганман, лекин кўпчилик мени «Ассалом»да яхши танишган. Демак у ердаги бошловчилик фаолиятим томошабинларга маъқул келган шекилли. Ўша йиллари менинг ўзимни эфирда, қаҳрамоним билан мулоқотда эркин тутишимни баъзи бировлар европача усул деб баҳолашиб, миллий руҳ кўринмаяпти, деган хулосага келишган эди. Мана, энди улар ўзларининг ноҳақ эканликларини тушуниб етдилар.

**– Агар ҳарбий соҳадан таклиф тушса, демоқчиманки хизматга таклиф қилишга рози бўлармидингиз?**

– Ҳарбийлик жуда мураккаб соҳа, унинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Мен ўзимни бу соҳада кўришим жуда қийин, чунки улар қўядиган талабларни бажаришимни тасаввур қилолмайман. Аммо экранда ҳарбий аёл образини жон деб яратган бўлар эдим. Умуман, бу соҳада хизмат қилаётган аёлларга ҳурматим жуда баланд.

**– Ватанпарвар инсон қандай бўлиши керак?**

– Ватанни севиш бу сўзда эмас, дилда бўлиши керак. Мен сизга ҳозир Ватанимни севаман, деган баландпарвоз сўзларни айтишим мумкин, аммо Ватанни севувчи, уни ардоқловчи инсон ҳеч қачон катта гапирмайди. Бу туйғуни қалбдан ҳис қилиш лозим. Ватан – бу Она дегани. Ахир ҳеч ким ўзини дунёга келтириб, тарбия бериб, жону танини бағишлаган инсонни, онани ёмон кўрмайди-ку, тўғрими?! Ватан ҳам худди шундай.

**– Ижодингизга қизиқувчи, сизни севувчи муштарийларга тилакларингиз.**

– Инсон доимо олға қадам босиши, ўқиши, изланиши, қайси ёшда бўлишидан қатъи назар ўз билим доирасини кенгайтириб бориши керак. Мен қадрдон мухлисларга ҳам ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолманг, доим давр билан ҳамнафас яшанг, шундагина ютуқ сиз томонда бўлади, дейман.

**Мавжуда МИРЗАЕВА суҳбатлашди.**

# ЎЗБЕКНИНГ ГАПИ ҚИЗИҚ

Бозор-ўчар. Бозор кўтарилиш, ғала-ғовур, оломон, ўт-олов, ҳаракат, дарё, денгиз, уйғоқлик, тўлқин, шиддат маъноларини ўзида мужассамлантирган. Халқимиз: «Болалик уй – бозор» деганда, бу хонадоннинг сершовқинлиги, беғаразлиги, сиру синоатдан узоқлиги, уйғоқ, доим ҳаракатдалиги, истиқболи борлигини назарда тутади.

Бозор бир кўпчиб, кўтарилиб, ёнғинга айланиб, сўнг аста-секин тутаб сўнади. Оқибат ўчади. Шунинг учун ҳам «бозор-ўчар» дейилади. Одатда халқ бу иборани қўллаганда жой маъносида эмас, шу манзилдан қилинадиган харид, тирикчилик манбаию воситасини назарда тутади. Бозор-ўчар ёниш ва сўниш, уйғониш ва уйқуга чўмиш, тириклик ва ўлим маъноларида ҳам ишлатилади.

Боши охурда. Молхонадаги охурларга ем ташланганда сигир-бузоқ, қўй-қўзи, от-туя ва ҳоказолар бўйинларини чўзиб, ем емоқ билан машғул бўладилар. Бундай пайтлар улар ёнига бошқа уй ҳайвонлари ҳайдаб кирилса, эринибгина қараб қўйиб, тағин ёқимли машғулотларини давом эттирадилар. Мана шу кўринишни одамлар ҳам ўз ҳаётларига қиёс қилиб образли гап билан, ўз иш ўринларида сидқидилдан хизмат (ижодий, илмий, таҳририй) вазифаларини бажариб турган ходимларга нисбатан бошлиқлар ҳамманинг «боши охурда-ку», дея ҳазил қиладилар.

Юзи шувит бўлди. Бирор ишда берган ваъдасининг устидан чиқолмаган шахс ўзга кишининг олдида уялиб, хижолат бўлиб қолади. Юзи шувитли (шивит – укроп, субҳидамда шабнамли бўлади), шабнамли, хижолатдан терлаши мумкин. Муқобили: «хижолат тортди», «бошини кўтаролмай қолди» ва ҳоказо.

Қулоғи остида қолибди. Ҳар қандай оғир, фожиали гап, ибора ҳам халқда баъзан мутойиба – юморга ўраб берилади. Шундай ибoралардан бири – «қулоғи остида қолибди»дир. Вафот этган, дунёдан ўтган одамлар асосан қариб-чириб, умри поёнига етган мўйсафидлару,кекса кампирлар ҳақида шундай дейилади. Ёш болалар жанозадан қайтгач, оталарга, нима бўлибди, ким ўлибди, дея савол беришса, «фалончи бобони қулоғи остида қолибди, тепкилаб-тепкилаб кўмиб келдик», дейишади. «Нега тепдингизлар», деган саволга, «қайтиб чиқиб келмасин дедик», дейишади. Бу билан 90–100 ёшга кирган мўйсафиднинг ўлими, унинг ҳам, қолганларнинг ҳам аслида тўйидир, деган ақидага ишора қилинади.

Димоғи куйган. «Димоғи чоғ»нинг тескари ибораси. Аксинча, димоғи куйганлик – кайфияти ёмон, иши юришмаган, бирор шахс воқеа-ҳодисадан озурда бўлган, жабр чеккан, азобда қолган, қаттиқ ранжиган, панд еган маъноларини беради. Халқ бундай пайтда «камбағалнинг жуда димоғи куйибди-да», дейди.

**Зарина НИШОНОВА тайёрлади.**

Болалар спорти

# ХАЙРЛИ ИШНИНГ МЕВАСИ

Ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш ишига мамлакатимизда устувор аҳамият бериб келинмоқда. Болалар спортига берилаётган улкан эътибор ҳам ана шу улуғвор мақсадимиз йўлидаги муҳим ишларимиздан бири. Бугун биз фарзандларимизни спортга қизиқтирамиз, соғлом турмуш тарзига ўргатамиз. Бунинг учун сарф-харажатлар қиламиз. Сарфланган бу сармоя эртага ҳатто моддийлик билан ўлчаб бўлмайдиган фойда, самара беради, бизга. Ҳа, ўғил-қизларимиз баркамол бўлса, соғлом бўлса, иродаси тобланса, дунёқараши шаклланади, онгида Ватанига, халқига садоқат, муҳаббат шаклланади.

Маълумки, яқинда Оқсаройда Президентимиз Ислом Каримов раислигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилиш ўзига хос бир сарҳисоб бўлди. Негаки ундан кўзланган мақсад ҳам асосан 2004 йил августидан буён қилинган ишлар, хусусан қишлоқ жойларида болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўламини таҳлил этишдан иборат эди.

Йиғилишда Президентимиз ўтган давр мобайнида қилинган эзгу ишларга баҳо бериб, жумладан шундай деди: «Болалар спортини ривожлантириш борасида бошланган ишларимиз ўзини оқлади. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш мақсадида бу ишга қўл урганмиз. Ўтган қисқа даврда бу борада муайян ютуқларга эришдик. Бу ташаббусимиз, хайрли ишимиз ўз мевасини бермоқда».

Дарҳақиқат шундай. Буни Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби мисолида ҳам олиб кўришимиз мумкин. Клубнинг ўқув спорт марказида болажонларимиз спорт билан шуғулланишларига улкан шарт-шароитлар яратилган. Марказ доимо «Ёшлик» кўнгиллилар спорт жамияти марказий кенгаши билан ҳамкорлик қилади. Яхши биласиз, тилга олинаётган жамият мактабгача, мактаб ёшидаги болаларни спорт билан шуғуллантиришда фаол. Таъкидлаш жоизки, марказда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг болалари имтиёзли шуғулланиши учун шароитлар яратилган. Спортнинг грек-рум, эркин кураш, енгил атлетика, сузиш, бокс, дзюдо каби турлари бўйича болалар малакали мураббийлар ёрдамида бу ерда бемалол шуғулланишлари мумкин. Энди болажонларнинг қизиқишларига келадиган бўлсак, маълум бўлдики, ўқув спорт марказига қатнаётганларнинг аксарияти бокс, дзюдо, шарқ яккакураши билан шуғулланишга интилишаётган экан. Аммо негадир бадиий гимнастикага, сузишга қизиқиш нисбатан кам. Бадиий гимнастиканинг афзалликлари ҳақида клубнинг масъул ходими Равил Азимуратов суҳбатларимиздан бирида шундай деганди: «Спорт гимнастикаси бўйича спорт устасиман. Спортнинг бу нафис турида гап кўп. Масалан, у билан шуғулланадиган қизларимиз келгусида соғлом, баркамол она бўлишади. Гимнастиканинг эстетик жиҳатдан ҳам фойдаси бир талай».

Хизмат сафарларидан бирида илғор жамоа – офицер М.Жанабаев хизмат қилаётган қисм ҳарбий шаҳарчасида бўлиб, болалар спортига бўлган эътибордан қониқиш ҳосил қилгандим. Умуман барча ҳарбий шаҳарчаларда болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун майдончалар ташкил этилса ёки шаҳарча ёнидаги ҳарбий қисмга дарсдан бўш вақтларида фарзандлар жисмоний тайёргарликлар учун қатнашса. Яхши биламизки, ҳарбий қисм ва бўлинмаларимиз бугунги кунда энг замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган. Бунинг устига ҳарбий жамоаларда спорт йўриқчилари, соҳани биладиган жисмоний тайёргарлик ва спорт бўлими бошлиқлари бор. Бу эса ҳарбий хизматчилар болаларининг ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб ўсишларига замин яратади.

Хуллас, болалар спортини ривожлантиришдан кўзлаган мақсадимиз аниқ – келажагимиз давомчилари ҳар томонлама баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлмоғи лозим.

**Майор Ш. ТОЛМАСОВ.**

ОБЪЯВЛЕНИЯ

- Куплю БК, газ. плиту, шв. маш., велосипед, рабочие и нерабочие. Т.: 74 95 15, 75 59 73.
- Куплю шв. маш. «Чайка», «Подольск», «Веритас», «Келер», «Лада», 1022м, газ. плиту, холод., морозильник. Т.: 176 02 65.
- Ремонт бытовых и промышленных холодильников, кондиционеров. Т.: 74 95 15, 75 59 73.

Редакция газеты «Ватанпарвар» приглашает к сотрудничеству общественных распространителей периодических средств массовой информации. Телефоны для справок: 56 03 46, 56 17 98.

## СКАНВОРД



# МУСТАҲКАМ ИРОДА СОҲИБЛАРИ




Куни кеча пойтахтимизда ақли заиф ва имконияти чекланган болалар ўртасида Марказий Осиё давлатларининг II махсус олимпия ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Икки кун давом этган спорт мусобақаларида юртимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Россиядан келган 350 нафардан ортиқ йигит-қизлар қизғин баҳс олиб боришди. Спортнинг тўрт тури, яъни енгил атлетика, стол тенниси, баскетбол ва футбол бўйича ўтказилган мусобақаларда вакилларимиз ўз маҳоратларини намойиш этиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилдилар.

Энди томошабинлар нигоҳини ўзига жалб қилган мусобақа натижаларига тўхталадиган бўлсак, учрашувлар мобайнида тошкентлик спортчиларнинг дадил ва ишончли ўйинларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Стол тенниси бўйича ўтказилган яккалик баҳсларда пойтахтликларнинг олдига тушадигани топилмаган бўлса, жуфтлик учрашувлари ҳам яққол уларнинг устунлиги билан поёнига етди. Мини футбол мусобақаларида эса, мезбонлар билан бир қаторда Бухоро, Самарқанд ва қозоғистонлик вакиллар чиройли ўйинлар намойиш қилиб, ғолиблик шоҳсупасидан жой олишди. Енгил атлетика бўйича яна Тошкент ва Тожикистон терма жамоаси аъзолари олдига тушадигани топилмади. Баскетбол мусобақалари фақат аёллар ўртасида олиб борилиб, икки гуруҳда ўтказилган баҳслар натижаларига кўра, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё ҳамда россиялик спортчилар нималарга қодир эканликларини намоён қилишди.

– Мусобақада ғалаба қозониш менга анча қийинчилик туғдирди, – дейди тожикистонлик енгил атлетикачи У.Абдуллаев. – Иштирокчилар анча тажрибага эга экан. Аммо бу ерда устозимнинг тинимсиз машғулотлари менга роса асқотди.

– Ногирон спортчилар ўртасида анъанавий спорт мусобақаларининг ташкиллаштирилиши улар учун катта далда бўлмоқда, – дейди биз билан суҳбатда оилавий координатор Равила Мирзаева. – Мана шундай эътибор туфайли улар ўзларининг нуқсонларидан ўкинмаган ҳолда, жамиятга керакли эканлигини ҳис қилиб яшашади. Ҳатто, улар орасида спорт туфайли тўла соғлиғини тиклаганлари ҳам мавжуд.

Айни дамда республикамизда ногиронлар ўртасида спортни янада оммавийлаштириш мақсадида Миллий Паралимпия қўмитаси фаолият юритмоқда. Ушбу ташкилот 2002 йилда Халқаро Паралимпия қўмитасига аъзо бўлиб, бунинг натижаси ўлароқ, юртимизнинг ногирон спортчилари халқаро турнирларда ҳам иштирок этишмоқда.

**Агнеш ҚУРБОНОВ.**

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ: Я. КОРУКА, А. САФАРОВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар: Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98 (факс); масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № J-1784. Адади 19300.